

- Тошкент ирригация ва кишлок хужалигини механизациялаштириш мухандислари институти



“Хаёт фаолияти хавфсизлиги” кафедраси  
“Авария куткарув ишлари” фанидан

- **ТАҚДИМОТ**

- Мавзу: Эпидемия, эпизоотия ва эпифитотиялар пайтида**
- **авария қутқарув кучлари ва**
  - **маблағларни ташкил қилиш.**

Ўқув саволлари:

1. Эпидемик фавқулодда вазиятлар ва улардан муҳофазаланиш.
2. Эпизоотик фавқулодда вазиятлар ва улардан муҳофазаланиш.
3. Эпифитотик фавқулодда вазиятлар ва улардан муҳофазаланиш.

**Эпидемия** —  
одамлар орасида  
инфекцион  
касалликларнинг  
кенг тарқалиши



08.03.2020

**Эпизоотия** —  
хайвонлар орасида  
инфекцион  
касалликларнинг  
кенг тарқалиши



**Эпифитотия** —  
ўсимликларда  
инфекцион  
касалликларнинг  
кенг тарқалиши



- **Эпидемия ва юқумли касалликлар.**

**Эпидемия** (греч. еpidemia), бирон бир жойда, мамлакатда, ёки бирнечта мамлакатда одамлар орасида юқумли касалликларнинг кенг тарқалиши.

Юқумли касаллик – бу микроорганизмлар таъсирида юзага келган, ва касалланган инсондан ёки хайвонлардан соғлом одамга ўтадиган касаллик.

Хар йили дунёда 1 миллиарддан ортиқ одам инфекцион касалликларни бошқа инсонларга юқтиради.

• Эпидемия холатини юзага келтирувчи хавфли касалликлар:

| Касаллик  | Таркалиш усули   | Яширин даври, сутки | Ишлаш қобилятининг пасайиши, кун | Даволанмаслик оқибатидаги ўлим, % |
|-----------|--|---------------------|----------------------------------|-----------------------------------|
| Вабо      | Хаво орқали;   | 3                   | 7-10                             | 100                               |
|           | Сув, озиқ-овқат ва уй жихозларининг захарланиши, ташувчиларни суний захарлаш |                     |                                  |                                   |
| Куйдирги  | Хаво орқали  | 2-3                 | 7-14                             | 100 гача                          |
| Туляремия | Хаво орқали  | 3-6                 | 40-60                            | 30 гача                           |
| Холера    | Хаво орқали  | 3                   | 5-30                             | 10-80                             |
| Тиф       | Тери орқали  | 12-14               | 6-14                             | 40 гача                           |

## ВАБО (pestis)

Вабо таёқчаси хосил қиладиган – юқори инфекцион юқумли касаллик - *Yersinia pestis*. Жуда хавфли юқумли касалликлар турига киради. Дунёда бир қанча табиий ўчоқлари бор ки, бунда асосан кемирувчилар касаллик ташувчи хисобланади. Инсонларга эпидемия касаллиги табиий шароитда касалланган каламушларнинг миграцияси жараёнида пайдо бўлади. Кемирувчилардан касаллик одамларга кана ёки пашшалар орқали юқади. Бундан ташқари ўлган хайвонларнинг терисини шилиш билан машғул бўлган овчилар тамонидан юқтирилган холлар ҳам учрайди. Одамдан одамга хаво орқали юқтирилган вабо касаллиги ҳам бор.

## Куйдирги (Яра)

Ўткир юқумли касаллик. Одамларда тери, тасма, ичак ва септик турларда учрайди.

## ТУЛЯРЕМИЯ

Иситма, умумий интоксикация (холсизланиш), лимфатизимини, тери ва шиллиқ қават, ўпкага таъсир қиладиган ўта юқумли касаллик.

## ХОЛЕРА

Юқумли касаллик. Ич кетиш, қайд қилиш, организмда сув алмашувини бузувчи, шок холати ва буйрак функциясига таъсир этувчи хатарли юқумли касаллик. Касаллик чиқарувчи – холера вибриони.





# ОБСТАНОВКА ПО СИБИРСКОЙ ЯЗВЕ В ЦАР





## Одамлар ва ҳайвонлар ўртасида 1996-2007 йилларда қайд этилган куйдирги касаллиги

| Йиллар | Одамлар ўртасида | Ҳайвонлар ўртасида |
|--------|------------------|--------------------|
| 1996   | 22               | 0                  |
| 1997   | 23               | 0                  |
| 1998   | 4                | 0                  |
| 1999   | 1                | 0                  |
| 2000   | 1                | 0                  |
| 2001   | 0                | 0                  |
| 2002   | 0                | 0                  |
| 2003   | 0                | 0                  |
| 2004   | 0                | 0                  |
| 2005   | 0                | 0                  |
| 2006   | 3                | 1                  |
| 2007   | 2                | 0                  |

**Ўзбекистон Республикаси ва чегарадош давлатларда  
2005-2007 й.й. ва 2008 й. 9 ойида қайд этилган куйдирги  
касаллигининг кўрсаткичлари**

| № | Давлатлар   | 2005й.              |                             | 2006й. |      | 2007й.                 |      | 2008й. |      |
|---|-------------|---------------------|-----------------------------|--------|------|------------------------|------|--------|------|
|   |             | Мутл<br>оқ<br>сонда | Интен-сив<br>кўр-<br>саткич | 1      | 2    | 1                      | 2    | 1      | 2    |
| 1 | Қозоғистон  | 2                   | 0,01                        | 11     | 0,07 | 3                      | 0,01 | 3      | 0,01 |
| 2 | Қирғизистон | 41                  | 0,8                         | 17     | 0,3  | 23                     | 0,4  | 49     | 0,8  |
| 3 | Тожикистон  | 50                  | 7,6                         | 14     | 0,2  | Маълумот<br>берилмаган |      |        |      |
| 4 | Ўзбекистон  | -                   | -                           | 3      | 0,01 | 2                      | 0,01 | 2      | 0,01 |

## • Чора тадбирлар:

- 1. Вакцинация
- 2. Дератизация (каламушларни йўқотиш).
- 3. Санобработка
- 4. Карантин
- 5. Умум санитар усуллар

**Эпизоотия** – бир худудда кенг хайвонлар орасида тарқалган юқумли касаллик.

**Энзоотия** – бир қанча ахоли пунктлари ва хўжаликларда бир вақтда кенг тарқалган хайвонлар юқумли касаллиги.

**Панзоотия** – кенг майдонларда, бутун бир регион, бир қанча мамлакатларда ёки бутун бир материкда тарқалган ўта юқумлим касаллик.

.

# Хайвонларга юқумли касалликлар

## ЮҚИШИ

(вируслар, бактериялар, грибкалар)

**Озуқа, тупроқ, сув**

(куйдирги, бруцеллез)

**Нафас йўли (чўчка грипи)**

**Ташқи қопламлар (тошма, вабо, оқсил)**

## ПАРРАНДА ГРИППИ –

бу одам ва уй товуқлари учун жуда хавфли, ўлимга олиб келиши мумкин бўлган юқумли касалликдир. Вируснинг табиий манбаи-ёввойи сувда сузувчи паррандалар. Вирус ташувчилари-ёввойи қушлар ва каламушлар.

Паррандалар зарарланишининг асосий йўли-сув ва озуқа орқали, чунки қушларда вирус нажас билан бирга ташқарига чиқади.

Одамга вирус у зарарланган қуш билан бевосита алоқа қилганда ўтиши, қушларнинг гўшти, ичак-човоғи, патлари, тухуми, нажаси, сўнг ифлос қўллар, овқат, сув ёки чанг билан бирга оғиз ёки бурунга кириши мумкин.



## ПАРРАНДА ГРИППИ

Ёввойи сувда сузувчи қушлар мавжуд бўлган очик сув ҳавзасидаги сувдан фойдаланиш ёки унда чўмилиш вақтида зарарланиш мумкин.

Вирус нажаснинг майда заррачалари аралашган чанг ҳаво билан нафас олган (масалан, қушхоналарни йиғиштириш пайтида) организмга кириб қолиши мумкин.

Парранда гриппи вируси паст ҳароратда яхши сақланади (яхлатиб қўйилган маҳсулотлар), лекин қайнатилганда, ҳар қандай дезинфекция моддалари ва ҳатто кир ювиш воситалари ва совун таъсирида тезда ўлади.

## Муҳофаза тадбирлари:

\*паррандаларни ёпиқ шароитда парвариш-лашга ўтказинг (улар ёввойи қушлар билан алоқа қилишларига йўл қўйманг);

\*ёввойи қушлар (қарғалар, майналар, чумчуқлар) қушхоналар ичига кириб кетиши ва уларнинг озуқаларига яқинлашишига имкон бермаслик учун барча мавжуд йўллари ёпиб ташланг;

\*каламушларни йўқ қилинг;

\*қушлар жасатини ер остига камида 0,5 метр чуқурликга қўмиш керак;

## Муҳофаза тадбирлари:

\*йиғиштириш ишларини докали ниқоб ёки респиратор тақиб, қўлқоп, бош кийими кийиб ёки рўмол ўраб, ишчи кийим ва пойафзалда бажариш керак;

\*йиғиштириш ишлари якунлагандан сўнг ишчи кийим ва пойафзални совун билан ювинг, қуёш нурлари остида қуритинг, қўлларингиз ва юзингизни пухталиқ билан ювинг ёки чўмилинг.

**ЁДДА САҚЛАНГКИ,** парранда гриппи ҳолатлари уй қушлари орасида рўй берган вазиятда, инфекция янада кенг тарқалиб кетишини тўхташ ва одамлар зарарланишининг олдини олишнинг ягона усули бутун аҳоли яшайдиган жойда мавжуд бўлган барча вакцина билан эмланмаган паррандаларни бутунлай йўқ қилишдан иборатдир!

Болалар, кексалар, ҳомиладор аёллар ва иммунитети кучсиз бўлган одамларни ҳимоя қилиш учун уларни оддий гриппга қарши вакцина билан эмлаш керак. Вакцина гриппдан ҳимоя қилади ва парранда гриппининг оғир шакллари пайдо бўлиши хатарини камайтиради.

## ОҚСИЛ КАСАЛЛИГИ

Оқсил (ўзбекча), Ящур (русча).

Оқсил - жуфт туёқли ёввойи ва уй ҳайвонларининг хавфли ва ўткир кечувчи ҳамда юқори контагиозли вирусли касаллиги ҳисобланади. (Мойил ҳайвонлар – қорамол ва чўчқалар. Қўй ва эчки ҳамда ёввойи жуфт туёқли ҳайвонлар эса камроқ мойил).

Тарихий маълумотларга кўра оқсил касаллиги тўғрисида 1546 йилда италян олими Д.Фраскастро ахборот берган, бу филтрланувчи вирус эканлигини 1898 йилда немис олимлари Леффлер ва Фрош аниқлаган. Вируснинг бир қанча серотиплари борлиги ҳақида дастлаб Вале ва Карре 1922 йилда маълумот берган.

**ОҚСИЛ ВИРУСИ** ташқи муҳит таъсирларига чидамли, ёз ойларида  $20^{\circ}\text{C}$  ҳароратда пичанда 7-9 кун давомида, тупроқда 5-7 кун давомида сақланади,  $37^{\circ}\text{C}$  ҳароратда 20 соатда,  $43^{\circ}\text{C}$  да 5-7 соатда,  $70-80^{\circ}\text{C}$  да эса бир неча дақиқа ўз ҳаётчанлигини йўқотади.

Вирус қиш ойларида ер қатламининг 5 см чуқурлигида 50-60 кун, кузда 35 кун сақланади, гўнгда 40-60 кун, тузланган ҳайвон терисидида  $10-15^{\circ}\text{C}$  ҳароратда 50 кун,  $25-30^{\circ}\text{C}$  ҳароратда эса 10-15 кун, музлатилган гўштда эса 320 кун сақланади.

## Материал

## Вируснинг энг узок ажралиш муддати (кунлар)

|                               |    |
|-------------------------------|----|
| Қонда                         | 5  |
| Спермада                      | 10 |
| Сийдикда                      | 7  |
| Сутда                         | 5  |
| Сўлакда                       | 11 |
| Нафас орқали                  | 5  |
| Бурун суюқлик-<br>лари орқали | 7  |
| Ахлатда                       | 5  |

**Оқсил вирусни ташқи муҳитга  
ажралиши ва муддатлари келтирилган**

## **ОҚСИЛ ҚУЙИДАГИ ҲОЛАТЛАРДА ЖУДА ТЕЗ ВА КЕНГ ТАРҚАЛИШИ МУМКИН:**

- Касал ёки касалликдан тузалган лекин вирус ташувчи бўлиб қолган ҳайвонлар соғлом моллар билан бирга боқилса, соғлом манзилларга, гўшт комбинатларига, ҳайвон бозорлари ва кўргазмаларига киритилса;
  - Вирус билан зарарланган сут ёки ёғсизлантирилган сут ёш молларга берилса;
  - Носоғлом ҳудуддаги яйловларда соғлом моллар боқилса ёки ундаги сув манбалари ва биноларидан фойдаланилса;
  - Носоғлом ҳудуддан ем-хашак ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ёки касалликка мойил бўлмаган от, эшак, дайди ит, мушуклар ва ҳ.к. соғлом ҳудудларга кириб келганда;
  - Биологик хавфсизлик чораларига амал қилинмаганда, ветеринария мутахассислари ўз кийимлари ва қуроллари дезинфекция қилмаганда.




Оқсил касалликни олдини олиш учун ҳайвонларни оммавий ва мажбурий эмлаш, ветеринария-санитария тадбирларини ўз вақтида ўтказиш, биологик хавфсизлик чораларига амал қилиш, чорва моллари ва маҳсулотларининг ҳаракати устидан доимий назорат юритиш каби комплекс тадбирларни амалга ошириш талаб этилади.

- **Келтирилган зарарларни йўқ қилиш чоралари**
- 1. Вакцинация
- 2. Ветинария назорати
- 3. Мажбурий сўйиш.
- 4. Утилизация (умуман йўқотиш).
- 5. Кимёвий ишлов бериш



08.03.2020

# Ўзбекистон Республикасида 2007 йилда хайвонлардан гурухли жароҳатланиш тугрисида маълумот



- **Эпифитотия** – ўсимликларда  
инфекцион касалликларнинг кенг тарқалиши  
Касалликларнинг тарқалиш йўллари  
(вируслар, бактериялар, грибоклар)

**Модда алмашувининг бузилиши**  
(томир системасининг зарарланиши, озуқа моддаси  
сурилишининг бузилиши)  
(фитофтороз, бошоқли экинлар занги)

## • Чора тадбирлар.

- 1. Агротехника талабларига риоя қилиш.
- 2. Касалликларга чидамли янги турларни яратиш.
- 3. Касаллик ўчоғини йўқотиш.
- 4. Кимёвий ишлов бериш.

## ХУЛОСА:

Зарарли эпидемиологик, эпизоотик ва эпифитотик фавқулодда вазиятлар муаммолари нафақат Ўзбекистонга таалукли бўлибгина қолмасдан қўшни Республикалар, Марказий Осиё, Африка давлатлари ва бутун дунёнинг муаммоси ҳамдир.

**ЭЪТИБОРИНГИЗ**

**УЧУН**

**РАХМАТ !**